XALQ DEPUTATLARI CHUST TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 8 - fevral VI-42-16-6-89-K/22 Chust tuman hokimligi

Чуст туманидаги Садача ва Мустақиллик маҳаллаларини бўлиш, уларнинг чегараларини белгилаш, собиқ маҳаллалар ҳудудида янги ташкил этилаётган маҳаллаларга ном бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.03.2014 йилдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандига асосан, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Чуст туман ҳокимининг тумандаги (Садача ва Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномаларига асосан) тумандаги Садача ва Мустақиллик маҳаллаларини бўлиш, уларнинг ҳар бирининг худудида иккитадан маҳаллани ташкил этиш, маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш, янги ташкил этилаётган маҳалларга ном бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Чуст туманидаги Садача ва Мустақиллик маҳаллаларининг раислари томонидан туман ҳокими номига ёзган илтимосномалари ва янгитдан ташкил этиладиган маҳаллаларни молиявий ва ташкилий жихатдан таминлашда имкониятлар етарли эканлиги ҳақидаги туман молия бўлими томонидан Халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши котибиятига чиқарилган хат (илова

қилинмоқда) асос учун қабул қилинсин.

3. Бўлинадиган ва тузиладиган маҳаллаларнинг чегаралари чизилган ва чегаралар тавсифланган чизмалари тасдиқлансин.

4. Чуст туман Географик объектларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси томонидан тайёрланган янги ташкил этилаётган маҳаллаларга ном бериш тўғрисидаги таклифига вилоят комиссияси томонидан 2021 йил 27 декабрдаги №15/25-4999 сонли ёзма розилиги ижро учун қабул қилинсин.

3.Чуст туманидаги Садача маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи Садача этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага “Чуст Гулзори” маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 4820 нафар аҳолини ўз ичига олган 915 та хонадондан иборат худуд Садача маҳалласи ҳудуди этиб, 5187 нафар фуқаро яшайдиган 1236 та хонадон жойлашган ҳудуд “Чуст Гулзори” маҳалласи худуди этиб белгилансин.

4.Чуст туманидаги Мустақиллик маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи Мустақиллик этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага “Янги Боғишамол” маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 5608 нафар аҳолини ўз ичига олган 1057 та хонадондан иборат худуд Мустақиллик маҳалласи ҳудуди этиб, 2658 нафар фуқаро яшайдиган 614 та хонадон жойлашган ҳудуд “Янги Боғишамол” маҳалласи худуди этиб белгилансин.

5. Туман ҳокимининг тегишли соҳа ўринбосарлари ва туман молия бўлими ташкил этилаётган маҳаллаларнинг биноси, ҳодимлари ва ташкилий-техникавий масалаларини ўз муддатида ва қонуний асосда ташкил этсинлар.

6.Туман хокимининг ўринбосари, туман маҳалал ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими, Туман статистика бўлими (В.Жўраев), туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, (Х.Юлдашев), туман қурилиш бўлими, (А.Турғунов) ва бошқа ваколатли идора ва ташкилотлар, янги ном билан ташкил этилган маҳаллаларни рўйхатдан ўтказиш, электрон базага тегишли ўзгартиришлар киритиш, маҳаллалар чегараларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

7.Туман ички ишлар бўлими (А.Алимов) маҳаллаларга янги ном берилганлиги ушбу худудларда яшовчи фуқароларни паспортларига белги

қўйишда инобатга олинсин.

8.Мазкур қарорнинг ижроси туман ҳокимининг барча ўринбосарлари, Халқ депутатлари Чуст туман Кенгашининг барча доимий комиссиясига юклатилсин, назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **Б.Хамдамов**